

## I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 407 514,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда 5,1 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 128,1 фоизни ташкил этди.

**ЯИМ** - иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 12 365,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 % га юқоридир.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ни ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади

|  | Млрд. сўм        |                  | Физик ҳажм индекси, %<br>да | ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, %<br>да |
|--|------------------|------------------|-----------------------------|--------------------------------|
|  | 2017 й.          | 2018 й.          |                             |                                |
| <b>ЯИМ - жами</b>                          | <b>302 536,8</b> | <b>407 514,5</b> | <b>105,1</b>                | <b>5,1</b>                     |
| <i>шу жумладан:</i>                        |                  |                  |                             |                                |
| <b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>267 744,8</b> | <b>361 951,1</b> | <b>105,1</b>                | <b>4,5</b>                     |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги            | 90 983,9         | 117 315,8        | 100,3                       | 0,1                            |
| саноат                                     | 59 570,4         | 95 083,9         | 110,6                       | 2,1                            |
| қурилиш                                    | 15 228,6         | 20 734,4         | 109,9                       | 0,5                            |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 21 540,6         | 26 493,0         | 104,4                       | 0,3                            |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 25 305,5         | 29 868,3         | 106,3                       | 0,5                            |
| бошқа хизмат тармоқлари                    | 55 115,8         | 72 455,7         | 105,4                       | 1,0                            |
| <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>          | <b>34 792,0</b>  | <b>45 563,4</b>  | <b>105,5</b>                | <b>0,6</b>                     |

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 88,8 % ини ташкил этди ва 5,1 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,5 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 11,2 % ни ташкил этди ва 5,5 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,6 ф.п.).

ЯИМ ўсиш суръатига саноат тармоғи энг катта таъсир кўрсатди (2,1 ф.п.) ва ўтган йилга нисбатан 10,6 % га ўсди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 28,2 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 6,4 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 4,7 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.

### Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

|   | Млрд.сўм        |                 | Физик ҳажм индекси, % да |
|---|-----------------|-----------------|--------------------------|
|   | 2017 й.         | 2018 й.         |                          |
| <b>Саноат</b>                           | <b>59 570,4</b> | <b>95 083,9</b> | <b>110,6</b>             |
| <i>шу жумладан:</i>                     |                 |                 |                          |
| тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш  | 12 052,0        | 24 634,0        | 128,2                    |
| ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати | 42 243,5        | 63 532,8        | 106,4                    |
| саноатнинг бошқа тармоқлари             | 5 274,9         | 6 917,1         | 104,7                    |

### Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2018 йил якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 24,5 % ни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 17,0 %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга

тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 16,1 %, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 11,3 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9,2 %, авtotранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицепплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш – 7,4 %, электр ускуналар ишлаб чиқариш – 3,5 % ва ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 11,0 % ни ташкил қилди.

**Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати ялпи қўшилган қийматининг таркиби (жамига нисбатан % да)**


|  | <i>2017 й.</i> | <i>2018 й.</i> |
|--|----------------|----------------|
| <b>Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати - жами</b>  | <b>100,0</b>   | <b>100,0</b>   |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш                             | 22,8           | 17,0           |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлиб чиқариш                        | 18,4           | 16,1           |
| Ёғоч ва қоғоз ишлаб чиқариш; ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш                           | 2,8            | 2,3            |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш  | 2,0            | 2,1            |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш  | 8,8            | 9,2            |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш   | 1,6            | 1,3            |
| Резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш                         | 12,1           | 11,3           |
| Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари)                         | 18,8           | 24,5           |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш  | 0,6            | 0,6            |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш   | 2,5            | 3,5            |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш  | 1,2            | 1,8            |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицепплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш | 4,3            | 7,4            |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш                          | 4,1            | 2,9            |

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг ижобий таъсири 1,8 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 5,4 % га ўсиши кузатилди. Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 4,4 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4,5 % га, ташиш ва сақлаш 3,7 % га, ахборот ва алоқа 15,3 % га ва бошқа хизматлар 5,4 % га ўсди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 9,9 % га ўсди. ЯИМнинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 ф.п. даражасида баҳоланди.

2018 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 0,3 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,1 ф.п. ни ташкил этди.


### 2018 йилда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси, %



2018 йилда ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 128,1 фоизни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 144,3 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 128,6 % қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда – 123,9 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 117,8 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – 111,0 %, бошқа хизматларда – 124,8 % ва маҳсулотларга соф солиқларда – 124,1 % қайд этилди.

### 2018 йилда ЯИМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси



#### Иқтисодий фаолият турлари


Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ тармоқлари бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 1,6 ф.п. га камайди ва 32,4 % ни ташкил қилди.

Саноатнинг улуши 22,2 % дан 26,3 % га ўсган бир пайтда қурилишнинг улуши 2017 йилдаги даражада сақланиб қолди ва 5,7 % ни ташкил қилди.


Хизматлар соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 35,6 % ни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда 2,5 ф.п. га камайди.

**ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % ҳисобида)**

**2017 йил**



**2018 йил**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Ялпи қўшилган қиймат
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.


## 2018 йилда ялпи ички (худудий) маҳсулот

|  | ЯИМ (ЯҲМ)        |                          | Аҳоли экон бошига<br>ЯИМ (ЯҲМ) |                          |
|--|------------------|--------------------------|--------------------------------|--------------------------|
|  | млрд. сўм        | ўсиш<br>суръати,<br>% да | минг. сўм                      | ўсиш<br>суръати,<br>% да |
| <b>Ўзбекистон<br/>Республикаси <sup>1)</sup></b> | <b>407 514,5</b> | <b>105,1</b>             | <b>12 365,6</b>                | <b>103,3</b>             |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси                  | 14 185,2         | 103,4                    | 7 642,9                        | 101,9                    |
| <i>вилоятлар:</i>                                |                  |                          |                                |                          |
| Андижон  | 27 121,6         | 112,1                    | 8 923,9                        | 110,2                    |
| Бухоро   | 21 151,9         | 104,6                    | 11 222,4                       | 103,1                    |
| Жиззах   | 11 820,2         | 102,6                    | 8 830,3                        | 100,7                    |
| Қашқадарё  | 28 412,2         | 101,0                    | 8 932,1                        | 99,0                     |
| Навоий   | 21 729,0         | 103,4                    | 22 489,1                       | 101,7                    |
| Наманган   | 18 141,4         | 102,5                    | 6 654,7                        | 100,6                    |
| Самарқанд  | 31 187,4         | 99,3                     | 8 295,8                        | 97,3                     |
| Сурхондарё                                       | 17 061,9         | 101,0                    | 6 712,5                        | 98,9                     |
| Сирдарё  | 8 200,5          | 102,1                    | 9 966,6                        | 100,4                    |
| Тошкент  | 38 398,7         | 106,4                    | 13 333,4                       | 105,1                    |
| Фарғона  | 25 181,2         | 103,9                    | 6 895,7                        | 102,2                    |
| Хоразм   | 15 154,2         | 103,0                    | 8 325,6                        | 101,3                    |
| Тошкент ш.                                       | 53 287,1         | 108,1                    | 21 419,4                       | 106,2                    |

2018 йил якунлари бўйича Тошкент шаҳри (108,1%), Андижон вилояти (112,1%) ва Тошкент вилоятларида (106,4%) юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (105,1%) нисбатан паст ўсиш суръатлари Самарқанд (99,3%), Қашқадарё (101,0%), Сурхондарё (101,0%) ва Сирдарё (102,1%) вилоятларида кузатилди.


1) Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

**2018 йилда ЯИМни шакллантиришда хуудларнинг иштироки**  
(ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)




Республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 13,1 % улуш билан энг катта ҳисса кўшди. Тошкент вилояти 9,4 % ва Самарқанд вилояти 7,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %) ва Жиззах вилоятларига (2,9 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,5 %) тўғри келмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилда **Қорақалпоғистон Республикаси** ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 14 185,2 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда 3,4 % га ўсди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 103,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,8 %), саноат – 100,6 % (31,3 %), қурилиш – 105,4 % (6,3 %), хизматлар соҳаси – 105,3 % (33,6 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 7 642,9 минг сўмни ташкил этди ва 1,9 % га ўсди.




### 2018 йилда ЯҲМнинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




Андижон вилояти бўйича ЯХМ жорий нархларда 27 121,6 млрд.сўмни ташкил этди ва 12,1 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 105,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 49,3 %), саноатда - 151,2 % (20,8 %), қурилишда – 106,1 % (4,2 %), хизматлар соҳасида – 104,6 % (25,7 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 8 923,9 минг сўмни ташкил этди ва 10,2 % га ўсди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Бухоро вилоятида ЯХМ ҳажми 4,6 % га ўсди ва 21 151,9 млрд.сўмни ташкил этди.** ЯХМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 105,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 51,6 %), саноатда – 100,3 % (13,9 %), қурилишда – 107,3 % (7,3 %), хизматлар соҳасида – 105,3 % (27,2 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 3,1 % га ўсди ва 11 222,4 минг сўмни ташкил этди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




Жиззах вилоятида ЯҲМ 2,6 % га ўсди ва 11 820,2 млрд.сўмни ташкил этди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 60,9 %), қурилишда – 104,4 % (5,0 %), хизматлар соҳасида – 106,1 % (25,2 %) ни ташкил этди. Саноат тармоғида эса ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва ўтган йилга нисбатан 97,8 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,9 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 8 830,3 минг сўмни ташкил этди ва 0,7 фоизга ўсди.




### 2018 йилда ЯҲМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Қашқадарё вилояти** ялпи ҳудудий маҳсулоти 1,0 % га ўсди ва 28 412,2 млрд.сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: саноатда – 103,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши 27,1 %), қурилишда – 103,5 % (5,8 %), хизматлар соҳасида – 104,5 % ни (24,9 %) ташкил қилди. Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 96,9 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 42,2 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 1,0 % га камайди ва 8 932,1 минг сўмни ташкил этди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати


(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Навоий вилоятида** ЯХМ ўсиши 3,4 % ни ташкил этди ва 21 729,0 млрд.сўмга етди. ЯХМ тармоқ таркибида ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 25,9 %), қурилишда – 128,5 % (4,2 %), хизматлар соҳасида – 105,9 % ни (15,8 %) ташкил этди. Ўтган йил билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 99,8 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 54,1 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 1,7 % га ўсди ва 22 489,1 минг сўмни ташкил этди.



**2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати**  
(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Наманган вилоятида** ЯХМ 18 141,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йил маълумотларига нисбатан 2,5 % га кўпдир. ЯХМ нинг ўсиш суръати sanoatда – 107,5 % (ЯХМ таркибидаги улуши –12,0 %), қурилишда – 104,5 % (4,9 %) ва хизматлар соҳасида – 104,4 % (32,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўтган йил билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 99,5 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 50,2 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 0,6 % га ўсди ва 6 654,7 минг сўмни ташкил этди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




Самарқанд вилоятида ЯХМ ҳажми 31 187,4 млрд.сўмни ташкил этди ва 0,7 % га камайди. Ушбу ҳудудда саноат тармоғида – 105,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 14,0 %), қурилишда – 105,3 % (4,4 %), хизматлар соҳасида – 104,1 % (29,3 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилга нисбатан 94,4 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 52,3 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ 2,7 % га камайди ва 8 295,8 минг сўмни ташкил этди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 1,0 % га ўсди ва 17 061,9 млрд.сўмни ташкил этди.** ЯҲМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, саноатда – 111,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 7,2 %), қурилишда – 105,9 % (6,4 %), хизматлар соҳасидаги – 104,3 % (31,2 %) ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Ўтган йил билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 96,9 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 55,2 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 6 712,5 минг сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йил маълумотларига нисбатан 1,1 % га камдир.




### 2018 йилда ЯҲМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Сирдарё вилоятида ЯҲМ 2,1 % га ўсди ва 8 200,5 млрд.сўмни ташкил этди.** Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари саноатда 106,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 21,8 %), қурилишда 109,1 % (4,3 %), хизматлар соҳасида 104,7 % (23,6 %) ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида эса ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилга нисбатан 97,9 % ни (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 50,3 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 9 966,6 минг сўмни ташкил этди ва 0,4 % га ўсди.




### 2018 йилда ЯҲМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Тошкент вилоятида ЯХМ 38 398,7 млрд.сўми ташкил этди ва 6,4 % га ўсди.** ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 32,5 %), саноатда – 111,3 % (40,6 %), қурилишда – 110,1 % (3,1 %), хизматлар соҳасида – 103,7 % (23,8 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 5,1 % га ўсди ва 13 333,4 минг сўми ташкил этди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Фарғона вилоятида ЯХМ 3,9 % га ўсди ва 25 181,2 млрд.сўмни ташкил этди.** ЯХМнинг ўсиши худуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 39,2 %), саноатда – 104,8 % (20,6 %), қурилишда – 109,6 % (5,1 %), хизматлар соҳасида – 104,7 % (35,1 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 6 895,7 минг сўмни ташкил этди ва 2,2 % га ўсди.




### 2018 йилда ЯХМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)




**Хоразм вилоятида** ЯҲМ 15 154,2 млрд.сўми ташкил этди, бу эса ўтган йилга нисбатан 3,0 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиши sanoat – 114,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 13,9 %), қурилиш – 105,7 % (5,4 %), хизматлар соҳасидаги – 104,3 % (29,1 %) ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилга нисбатан 98,9 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 51,6 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1,3 % га ўсди ва 8 325,6 минг сўми ташкил этди.




### 2018 йилда ЯҲМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)



**Тошкент шаҳрида ЯҲМ 53 287,1 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йил маълумотларига нисбатан 8,1 % га юқоридир. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 106,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 36,3 %), қурилиш – 110,6 % (8,1 %), хизматлар соҳасидаги – 108,8 % (55,6 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6,2 % га ўсди ва 21 419,4 минг сўмни ташкил этди.**



### 2018 йилда ЯҲМ нинг ўсиш суръати

(2017 йилга нисбатан фоизда)

